

**Ўзбекистонда педагогнинг касбий компетентлиги, унинг ўзига хос жиҳатлари.**

**Профессиональная компетентность учителя в Узбекистане, ее особенности.**

**Professional competence of a teacher in Uzbekistan, its peculiarities.**

**Маманова Азиза Абдухалик қизи**

*ЖДПИ Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси магистранти*

**Аннотаци:** Ушбу мақолада Ўзбекистонда педагогнинг касбий компетентлиги, унинг ўзига хос жиҳатлари хақида фикр юритилган.

**Аннотации:** В данной статье рассматривается профессиональная компетентность учителя в Узбекистане, ее особенности.

**Annotation:** This article discusses the professional competence of a teacher in Uzbekistan, its peculiarities

**Таянч сўзлар:** компетентлик, касбий компетентлик, касбий компетентлик сифатлари, педагогик касбий компетентлик, Индивидуал ривожлантириш дастури, педагогнинг индивидуал ривожланиш дастури, ўз-ўзини ривожлантириш, педагогнинг ўз устида ишлаши, педагогнинг ўз устида ишлаш босқичлари, ўз-ўзини баҳолаш.

**Ключевые слова:** компетенции, профессиональные компетенции, профессиональные компетенции, педагогические профессиональные компетенции, Индивидуальные программы развития, педагогические индивидуальные программы развития, самосовершенствование, самосовершенствование, самосовершенствование, самосовершенствование, педагогика

**Key words:** competencies, professional competencies, professional competencies, pedagogical professional competencies, Individual development programs, pedagogical individual development programs, self-improvement, self-improvement, self-improvement, self-improvement, pedagogy

Бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида устувор ўрин эгаллаган кучли рақобатга бардошли бўлиш ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлиш, уни изчил равишда ошириб боришни тақозо этмоқда. Хўш, компетентлик нима? Касбий компетентлик негизида қандай сифатлар акс этади? Педагог ўзида қандай компетентлик сифатларини ёрита олиши зарур. Айни ўринда шу ва шунга ёндош ғоялар юзасидан сўз юритилади. “Компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига психологик

изланишлар натижасида кириб келган. Шу сабабли компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб боровчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгалик”ни англатади. Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутди. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллаш билишни тақозо этади. Ўзбекистонда педагогнинг касбий компетентлиги, унинг ўзига хос жиҳатлари ўранилган бўлиб, улар орасида Б.Назарова томонидан олиб борилган тадқиқот ўзига хос аҳамият касб этади. Тадқиқотчининг фикрига кўра педагогга хос касбий компетентлик негизида куйидаги таркибий асослар ташкил этади. Касбий-педагогик компетентликка эга бўлишда ўз устида ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари ўзини ўзи таҳлил қилиш ва ўзини ўзи баҳолаш орқали аниқланади. Педагогнинг мутахассис сифатида: - аниқ мақсад, интилиш асосида педагогик жараённи такомиллаштириш; - педагогик жараён самарадорлигини, ўзининг ишчанлик фаоллигини ошириш; - изчил равишда янгиланиб бораётган педагогик билимларни ўзлаштириш; - илғор технология, метод ҳамда воситалардан хабардор бўлиш; - фаолиятига фан-техниканинг сўнгги янгиликларини самарали тадбиқ этиш; - касбий кўникма ва малакаларини такомиллаштириш; - салбий педагогик низоларнинг олдини олиш, бартараф этиш чораларини излаш йўлида олиб борадиган амалий ҳаракати унинг ўз устида ишлашини ифодалайди. Педагогларнинг ўз устиларида изчил, самарали ишлашларида фаолиятга лойиҳали ёндаша олишлари қўл келади. Уларнинг лойиҳали ёндашув асосида

қуйидаги моделни шакллантира олишлари мақсадга мувофиқдир. Моделда ўз устида ишлаш босқичлари ва ҳар бир босқичда амалга ошириладиган вазифалар қайд этилади. Ҳар бир босқич учун белгиланган вазифаларнинг самарали ҳал этилиши навбатдаги босқичга ўтиш имконини беради. Ўзини ўзи таҳлил қилиш орқали педагог ўзини ўзи объектив баҳолаш имкониятига эга бўлади. Зеро, педагогларнинг касбий компетентлик сифатларига эга бўлишида уларнинг ўз-ўзини баҳолаш малакаларига эгаллиги ҳам муҳимдир.

Шундай қилиб, бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида юзага келадиган кучли рақобатга бардошли бўлиш эҳтиёжи ҳар бир мутахассисни ўзида касбий компетентлик ва унга хос сифатларни таркиб топтиришга ундайди. Луғавий жиҳатдан “қобилият”, мазмунан эса “фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш” маъносини англатувчи компетентлик негизида ижтимоий, махсус (психологик, методик, инфорацион, креатив, инновацион ҳамда коммуникатив), шахсий, технологик ва экстремал компетентлик каби сифатлар акс этади.

Бир қатор, хусусан, А.К.Маркова ҳамда Б.Назароваларнинг тадқиқотларида педагогик компетентликнинг таркибий асослари қайд этиб ўтилган. Педагогнинг касбий компетенцияси педагогик (ўқув ва тарбия) жараёни самарали, муваффақиятли ташкил этилишини таъминлайди. Касбий компетенцияга эга бўлиш учун педагог ўз-ўзини изчил ривожлантириб боришга эътиборни қаратиши зарур. Ўз ўзини ривожлантиришда педагогга “Индивидуал ривожланиш дастури” қўл келади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Hamrayeva, A. (2021). Ta'lim jarayonini tashkil etishga nisbatan texnoloik yondoshuv. *Мактабгача таълим журнали*.
2. Hamrayeva, A. (2021). Педагог тарбиячиларда компетентликни ривожлантириш. *Мактабгача таълим журнали*, 3(Preschool education journal).
3. Hamrayeva, A. - Мактабгача таълим журнали, 2021 [Ta'lim jarayonini tashkil etishga nisbatan texnoloik yondoshuv](#)

#### 4. Development of professional competence of the future pedagogical teacher

XA Farxadovna - European Journal of Molecular&Clinical Medicine, 2021

#### 5. Oliy ta'lim muassasasi talabalarining kasbiy kompetentlikni rivojlantirishning mazmuni

AF Hamrayeva - Academic research in educational sciences, 2021

6. Хамраева, А. Ф. (2021). БЎЛАЖАК ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ДИДАКТИК АСОСЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 2(10), 1082-1086.

7. Хамраева, А. Ф. (2021). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТАВФСИФИ. *Academic research in educational sciences*, 2(10), 1110-1114.